

**“Давлат белгиси” давлат унитар корхонасида коррупцияга қарши  
курашиш борасида 2023 йил 9 оyi давомида амалга оширилган ишлар  
юзасидан умумий**

**ҲИСОБОТ**

**I. Корхонанинг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури  
бажарилганлиги тўғрисида умумий ахборот.**

“Давлат белгиси” давлат унитар корхонасида коррупцияга қарши курашиш бўйича ишларни ташкиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Корхонада Коррупцияга қарши курашиш бўйича 8-банддан иборат чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва корхона бош директори томонидан тасдиқланди ҳамда ижрога қаратилди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар дастурига корхона ходимлари томонидан коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотларни тўсиқларсиз хабар бериш имкониятини яратиш масаласи киритилган бўлиб, бу борада 2022 йил 19 августда тасдиқланган “Коррупциявий хабарларни алоқа каналлари орқали қабул қилиш ва қайта ишлаш Тартиби” га асосан ишлар олиб борилди ва натижада бугунги кунда ходимлар ва фуқаролар томонидан корхона ходимларининг коррупцияга оид хатти-ҳаракатлари юзасидан муурожаат қилиш имкониятини берувчи алоқа каналлари яратилди:

Электрон почта ижтимоий тармоғидаги алоқа канали: [komplaens@davlatbelgisi.uz](mailto:komplaens@davlatbelgisi.uz).

Ишонч телефони: (55) 503-05-22, ички рақам: 1111, 494;

Уяли алоқа тармоғи: (88) 148-14-22;

Расмий веб-сайтидаги алоқа канали: <https://davlatbelgisi.uz>;

Телеграмм мессенжердаги алоқа канали: [t.me/davlat\\_belgisi](https://t.me/davlat_belgisi)

Расмий веб-сайтга маълумотлар жойлаштирилиб борилмоқда.

Бундан ташқари, ишонч телефонлари орқали хабар бериш мумкинлиги акс этган тарқатмалар ҳамда “Коррупцияга йўл йўқ” номли деворий плакатлар янгидан тайёрланиб тарқатилди.

Дастурга корхонада манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкинлигини олдини олиш ва коррупцияга қарши сиёсат талабларига номувофиқликлар вужудга келишини бартараф этиш масаласи тадбир сифатида киритилган бўлиб, бу борада “Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисида”ги Низомда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган ишлар олиб борилди. *(Бу борада амалга оширилган ишларга мазкур умумий ҳисоботнинг IV-бандида батафсил кўрсатилади).*

Шу каби дастурга кўра, корхонада коррупцияга қарши курашиш борасида ҳамда корхона фаолиятини соҳалари бўйича амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлиги бўйича ходимлар фикрини ўрганиш юзасидан жорий йилнинг 12-20 сентябрь кунлари аноним сўровнома ўтказилди.

Аноним сўровнома ўтказилиши юзасидан корхона таркибий тузилма ҳамда цех бошлиқлари ва бошқа ходимларга хат юборилди ҳамда <https://forms.gle/zLHgKyoxjUfQ6wNE6> интернет ҳаволаси орқали аноним саволномаларга интернет тармоғига уланган хизмат компьютерлари ёки шахсий смартфонлар орқали жавоб киритишлари мумкинлиги маълум қилинди.

Мазкур аноним сўровномада корхонанинг 702 нафар ишчи-ходимлар иштирок этиши ҳамда корхонада коррупцияга қарши курашиш борасида ҳамда корхона фаолиятини соҳалари бўйича амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлиги юзасидан ходимлар фикрини ўрганиш мақсадида 5 та саволга жавоб бериш сўралди.

Аноним сўровнома натижалари умумлаштирилиб, корхона раҳбариятига хизмат хати киритилди.

Шунингдек, Дастурга киритилган тадбирлардан бири, ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари-талаблар ва тавсиялар” халқаро меъёр талабларини жорий этиш ҳамда халқаро меъёр талаблари ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармонида, ISO 37001:2016 коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартини қўллашни кўзда тутувчи талабни ўрнатиш вазифаси қўйилди.

Авваломбор, жорий йилда ISO 37001:2016 коррупцияга қарши курашиш халқаро стандарти талаблари бўйича 12 нафар масъул ходимлар махсус курсда ўқитилди.

Жорий йилнинг 17-20 январь кунлари “CERT International” МЧЖ менежмент тизимини сертификациялаш бўйича органи томонидан сертификациялаш аудити муваффақиятли ўтказилди ҳамда аудит натижасига кўра, корхона ISO 37001:2016 халқаро стандарт талабларини қўллашга мувофиқлиги тасдиқланди.

Ҳозирда, корхона таркибий тузилмаларида ISO 37001:2016 халқаро меъёр талабларига риоя этилишини таъминлаш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Дастурга киритилган корхона ходимларини коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг мазмун моҳияти юзасидан ўқитилишини таъминлаш бўйича чоралари кўриб борилмоқда.

Хусусан, 2022 йил 2 февралда тасдиқланган “Ходимларни этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш бўйича Йўриқнома” асосида ишлар ташкиллаштирилиб, 05.01.2023 йилда тасдиқланган 2023 йил давомида “Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси ходимларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича назарий билим ва қўникмаларини ошириш мақсадида ўтказиладиган ўқув-семинар машғулотлари режаси асосида барча ходимлар учун мунтазам ўқув-семинар машғулотлари ўтказилиб (онлайн) келинмоқда. *(Бу борада амалга оширилган ишларга мазкур умумий ҳисоботнинг V-бандида батафсил кўрсатилади).*

Дастурга киритилган тадбирлардан бири, коррупциявий хавф-хатари юқори ва ўрта бўлган функцияларни амалга оширувчи ҳамда раҳбар ходимлар билан ўқув семинар машғулоти ўтказиб бориш белгиланган бўлиб, унга кўра 2023 йилнинг 17 май куни коррупциявий хавф юқори бўлган лавозимда фаолият юритаётган ходимлар иштирокида ўқув-семинар машғулоти ўтказилган ва унда 18 нафар ходим иштирок этган.

Бундан ташқари, 2023 йилнинг 17 февralида ва 7 июлида тасдиқланган “Корхона бошқарув ходимларини малакасини ошириш юзасидан машғулоти ўтказилиш Дастури”га асосан февраль-март ойларида 45 нафар таркибий бўлим раҳбарлари ва мутахассислар махсус ўқишдан ўтказилган (офлайн).

Корхонанинг 28 нафар (жорий йилда 12 нафар) масъул ходимлари ISO 37001:2016 коррупцияга қарши курашиш халқаро стандарти талаблари бўйича махсус курсда ўқитилди.

Дастурга асосан корхона ходимларининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ҳамда Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички меъёрий ҳужжатлари талаблари бўйича билим ва кўникмаларини баҳолаш мақсадида жорий йилнинг 1-3 август кунлари онлайн тест синовлари ўтказилди.

Тест синови натижаларига кўра, унда иштирок этган ходимларнинг 510 нафари (68,2%) “аъло”, 229 нафари (30,7%) “яхши”, 8 нафари (1,1%) “қониқарсиз” баҳоланди.

Дастурга киритилган тадбирлардан бири корхонада коррупция ҳолати, коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатлар ҳамда бу борада амалга оширилган ишларни корхона вебсайтида ёритиб бориш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Корхонанинг вебсайтида “Коррупцияга қарши курашиш” саҳифаси яратилиб, коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва маълумотлар киритилиб борилмоқда.

Хусусан, корхона Бош директори томонидан корхона расмий вебсайтига «Коррупцияга қарши биргаликда курашамиз» мавзусида мурожаатномаси ҳамда “Давлат белгиси” ДУКда ISO 37001:2016 халқаро стандарти жорий этилди” номли мақолалари жойлаштирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва “Давлат белгиси” давлат унитар корхонасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари” мавзусида семинар тренинг ўтказилиб, тайёрланган слайд материаллари корхона вебсайтидаги алоҳида саҳифага ҳамда корхона серверидаги электрон кутубхонага жойлаштирилди.

Корхонага номзодларни ишга қабул қилиш ва юқори лавозимга тайинлашда Марказий банк тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни ҳамда юқори лавозимга тайинланаётган ходимларни ўрганиш тўғрисидаги йўриқнома талаблари асосида амалга ошириш мақсадида, “Ишга қабул қилинаётган номзодларни ва юқори лавозимга тайинланаётган ҳамда коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимга доимий ишга ўтказилаётган ходимларни

ўрганиш тўғрисида” Йўриқнома ишлаб чиқилган ва бош директор томонидан 2023 йил 16 мартда тасдиқланган.

Корхонага 2023 йилнинг 9 ойида жами 64 нафар номзодлар ишга кириш учун ҳужжат топширган.

Ўтказилган танлов натижаларига кўра 19 нафар номзодлар ишга қабул қилинган бўлиб, улар бўйича комплаенс-назорат хизмати томонидан ўрганиш ишлари ўтказилган.

Номзодларни ишга қабул қилишда шаффофликни таъминлаш мақсадида, корхонанинг расмий веб-сайтда вакансиялар саҳифаси очилган бўлиб, унда корхонада мавжуд бўш иш ўринлари жойлаштирилиб келинмоқда.

Корхонада коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича 2023 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастури бандлари ижроси юзасидан ишлар давом эттирилмоқда.

## **II. Сиёсат ва тартиб таомиллар.**

Биринчи навбатда, корхонанинг “Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” тасдиқланиб барча ходимларга таништирилди.

Корхонада коррупциявий хавф-хатарларни камайтиришга оид янги тартиб-таомиллар ва коррупцияга қарши курашиш масалаларини тартибга солувчи ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланди: Жумладан, “Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” (28.10.2021 йилда тасдиқланган), “Контрагентларни текшириш бўйича Йўриқнома” (09.08.2022 йилда тасдиқланган), “Коррупция хавфини баҳолаш Услубиёти” (09.12.2021 йилда тасдиқланган), “Совғалар ва вакиллик харажатлари тўғрисида”ги Низом (14.11.2022 йилда тасдиқланган), “Коррупциявий хабарларни алоқа каналлари орқали қабул қилиш ва қайта ишлаш Тартиби” (19.08.2022 йилда тасдиқланган), “Ходимларни этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш бўйича Йўриқнома” (02.02.2022 йилда тасдиқланган), “Корхона ишчи-ходимлари одоб-ахлоқининг Қоидалари” (25.10.2022 йилдаги 249/1-ДВ-сонли буйруқ билан тасдиқланган), “Хизмат текшируви ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (19.08.2022 йилда тасдиқланган), “Ички аудит ўтказиш Тартиби” (14.11.2022 йилда тасдиқланган), “Харидларни бошқариш жараёни” (21.02.2023 йилда тасдиқланган), “Ишга қабул қилинаётган номзодларни ва юқори лавозимга тайинланаётган ҳамда коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимга доимий ишга ўтказилаётган ходимларни ўрганиш тўғрисида”ги Йўриқнома (16.03.2023 йилда тасдиқланган).

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 24.09.2022 йилдаги 21/8-сонли қарори билан коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланган ҳамда ижроси таъминланиб ва амалиётга тадбиқ этиб борилмоқда.

## **III. Хавф-хатарларни баҳолаш.**

Корхонага юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш ишлари амалга оширилди.

Корхонада мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240 сонли қарорига асосан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиб, тасдиқланган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш” Услубиётига асосан амалга оширилди.

Мазкур Услубиётнинг 4-боб, 18-бандига асосан таркибий тузилмалардан коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳаси бўйича таклифлар олиниб, умумлаштирилди.

Натижада, коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқилди ҳамда коррупциявий хавф-хатарга мойил бўлган лавозимлар рўйхати шакллантирилди ва 2023 йил 1 мартда корхона бош директори томонидан тасдиқланди.

Хавф-хатарлар хартасида корхонага юклатилган 60 та вазифа ва функциялар баҳолашдан ўтказилиб, унга кўра 5 та функция юқори, 5 та функция ўрта, 50 та функция паст хавф хатар тоифасига киритилиб, уларни минималлаштириш чора-тадбирлари белгиланган.

Шунингдек, коррупциявий хавф-хатари юқори ҳамда ўрта даражада бўлган лавозимлар рўйхати тасдиқланди.

“Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси Бош директорининг 2023 йил 31 июлдаги 123ДБ-сонли буйруғига асосан тузилган комиссия аъзолари томонидан жорий йилнинг 1-4 август кунлари коррупциявий хавф-хатари эҳтимоли паст даражадан юқори бўлган лавозимлар ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш тизими” халқаро стандартининг 8.2-банди талабларига кўра мажмуавий текширувдан ўтказилди.

#### **IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар.**

##### **Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш.**

2023 йил 5 январда тасдиқланган ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича назарий билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ўтказиладиган ўқув-семинар машғулотлари режасининг 2-бандига асосан, Низомнинг мазмун моҳияти ва декларацияни тўлдириш талаблари юзасидан ходимларга тушунтиришлар берилди.

Низом талаблари юзасидан 2023 йилнинг 10 февраль куни Босма фабрикасида, 14 февраль куни Зарбхона ходимларига, 27 февраль куни Қоғоз фабрикаси ишчи ходимларига ўқув-семинари машғулотлари ўтказилди.

Бўш иш ўринларига номзодларни лавозимга тайинлашда 22 нафар ҳамда 16 нафар ходимларнинг лавозими ўзгартирилиши (ротация) муносабати билан декларациялар тўлдирилган ва Номзодларни ўрганиш реестрига киритилди.

Потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви юзага келганлиги юзасидан таркибий тармоқ раҳбарлари ёки ходимлари томонидан Ички аудит хизматига “Манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши эҳтимоли ҳақида” Хабарномалар келиб тушмади.

Шунингдек, корхона Бош директори имзоси билан 2023 йил 9 февраль куни барча ишчи-ходимлари томонидан Манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида йиллик декларация тўлдирилиши юзасидан корхона раҳбарияти ҳамда барча таркибий-тармоқлар раҳбарларига хизмат хати юборилди ҳамда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш борасида 2023 йил 15 февраль ҳолатига фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисида йиллик декларация тақдим этилди.

Мазкур декларациялар таҳлил қилиниб, корхонада қариндошлик асосида фаолият юритаётган ходимлар рўйхати шакллантирилди.

Шулардан, потенциал манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар манфаатлар тўқнашуви реестрига киритилди ҳамда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, корхона бош директори томонидан 2023 йил 5 майда тасдиқланди.

“Давлат белгиси” давлат унитар корхонасида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва манфаатлар тўқнашуви реестрига киритилган ходимларнинг келгусида манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг олдини олиш чоралари кўриб борилмоқда.

### **Коррупцияга қарши қоидаларни корхона шартномаларига киритиш.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармонининг 3-8-банди ижроси юзасидан яъни, давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида давлат буюртмачиси ISO 37001:2016 коррупцияга қарши халқаро стандартини қўллашни кўзда тутувчи талабни ўрнатиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, корхонада Давлат харидлари жараёнларида очиклик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида, “Давлат белгиси” давлат унитар корхонасида давлат харидларини амалга ошириш тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилди ва 2022 йил 11 январда тасдиқланди.

Шунингдек, “Контрагентларни текшириш бўйича Йўриқнома” ишлаб чиқилди ва 2022 йил 9 августда тасдиқланди.

Ҳозирги кунда корхонада харидларни амалга оширишнинг биринчи босқичида хомашёга бўлган эҳтиёж комиссия томонидан аниқланмоқда, сўнгра харид қилинаётган хомашёнинг техник талабларга мослиги “Техник кенгаш”

томонидан ўрганилиб хулоса берилмоқда ҳамда ижрочилар томонидан контрагентлар текширилиб, кейинги босқичда харид комиссияси қарори асосида шартномалар тузилмоқда.

Коррупцияга қарши қоидалар корхонанинг барча хўжалик шартномаларига коррупцияга қарши курашиш бўйича бандлар киритилди.

### **Контрагентларни текшириш.**

“Давлат белгиси” давлат унитар корхонасида давлат харидларини амалга ошириш тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилди ва бош директор томонидан 2022 йил 11 январда тасдиқланди.

Шунингдек, “Контрагентларни текшириш бўйича Йўриқнома” ишлаб чиқилган ва 2022 йил 9 августда корхона Бош директори томонидан тасдиқланган.

Корхонада 2023 йилнинг 9 ойида жами 937 та хўжалик шартномалари тузилган.

Шулардан, 57 та шартномалар харид иштирокчилари ижрочи ҳамда комплаенс-назорати томонидан ўрганилган ҳамда йўриқнома талаблари асосида контрагентларни ўрганиш реестри шакллантирилган.

Шу билан бирга, корхона томонидан электрон тузиладиган шартномалар ҳам танлов асосида ўрганилиб таҳлил қилиб борилмоқда.

Хусусан, “Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси давлат буюртмачиси сифатида хўжалик фаолиятини юритиш чоғида амалга ошириладиган давлат харидлари жараёнида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли Қарори талаблари асосида “Давлат белгиси” ДУК қоғоз фабрикасига “Ҳимояланган қоғоз маҳсулотларини кесиш, ҳисоблаш, қадоқлаш ва йиғиш автоматлаштирилган линияни ўрнатиш” хизматини кўрсатиш юзасидан 2,0 млрд. сўм билан 2023 йил 28 июлда [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) электрон платформасига 23120012285209-сонли энг яхши таклифларни танлаш бўйича электрон эълон (лот) жойлаштирилган.

2023 йил 4 августда ушбу лот асосида иккита талабгор хўжалик юритувчи субъектлардан яъни, “Saxovat qurilish savdo” МСНЖ ва “Qurilish polimer servis” МСНЖ дан электрон таклифлар келиб тушган.

2023 йилнинг 7 август санасида талаб этилган ҳужжатларга ва танлашда тақдим этилган электрон харид ҳужжатларига ва [orginfo.uz](http://orginfo.uz) сайтидан олинган маълумотларга кўра, “Saxovat qurilish savdo” МСНЖ ва “Qurilish polimer servis” МСНЖлари ўзаро бир-бирига алоқадор жамиятлар эканлиги ҳамда биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар тоифасига кириши маълум бўлди.

Яъни, “Qurilish polimer servis” МСНЖ раҳбари Камолов Абдуғаффор Абдуллаевич, иккинчи талабгор “Saxovat qurilish savdo” МСНЖда таъсисчиси эканлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сонли Қонунининг 23-моддаси 4-бандига кўра, “Иштирокчи ва унинг афилланган шахси электрон дўкон, аукцион, энг яхши

таклифларни танлаш ва тендер бўйича айни битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас”лиги кўрсатилган.

Шунга кўра, харид комиссиясининг 2023 йил 23 августдаги йиғилишида ушбу электрон таклифлар кўриб чиқилиб, комиссия қарорига кўра, энг яхши таклифларни танлаш бўйича ушбу электрон эълон (лот) бекор қилишга рухсат берилган.

### **Ишга кириш учун номзодларни текшириш.**

Корхонага ишга қабул қилишга номзодларни танлаш бўйича “Ишга қабул қилинаётган номзодларни ва юқори лавозимга тайинланаётган ҳамда коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимга доимий ишга ўтказилаётган ходимларни ўрганиш тўғрисида”ги Йўриқнома ишлаб чиқилган ва бош директор томонидан 2023 йил 16 мартда тасдиқланган.

Корхонага 2023 йилнинг 9 ойида жами 64 нафар номзодлар ишга кириш учун ҳужжат топширган.

Ўтказилган танлов натижаларига кўра 19 нафар номзодлар ишга қабул қилинган бўлиб, улар бўйича комплаенс-назорат хизмати томонидан ўрганиш ишлари ўтказилган.

Номзодларни ишга қабул қилишда шаффофликни таъминлаш мақсадида, корхонанинг расмий веб-сайтда вакансиялар саҳифаси очилган бўлиб, унда корхонада мавжуд бўш иш ўринлари жойлаштирилиб келинмоқда.

Корхона ички меҳнат тартиби қоидалари ва ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши шартлар киритилди.

### **V. Таълим ва коммуникация.**

05.01.2023 йилда тасдиқланган “Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси ходимларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича назарий билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ўтказиладиган ўқув-семинар машғулоти йиллик режаси асосида барча ходимлар учун мунтазам ўқув-семинар машғулоти ўтказилиб (офлайн) келинмоқда. 19 мартаба ўтказилган ўқув семинар машғулотида корхонанинг жами 566 нафар ходимлари иштирок этган ва ўтказилган ўқув-семинар машғулоти юзасидан баённомалар расмийлаштирилган.

Бундан ташқари, 2023 йилнинг 17 февраль ва 7 июлда тасдиқланган “Корхона бошқарув ходимларини малакасини ошириш юзасидан машғулоти ўтказилиш Дастури”га асосан февраль-март ойларида 45 нафар таркибий бўлим раҳбарлари ва мутахассислар махсус ўқишдан ўтказилган (офлайн).

Шунингдек, 2023 йилнинг 17 май куни коррупциявий хавф юқори бўлган лавозимда фаолият юритаётган ходимлар иштирокида ўқув-семинар машғулоти ўтказилган ва унда 18 нафар ходим иштирок этган.

Бундан ташқари, Тошкент давлат шарқшунослик университети тарихий кўлёмалар илмий-текшириш маркази фалсафа фанлари профессори Б.Умирзақов билан ҳамкорликда корхона ишчи ходимлари учун маънавий маърифий мавзуларда давра суҳбатлари ташкил этилиб келинмоқда.



Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун талаблари” мавзусида 17-18 апрель кунлари ўтказилган ўқув машғулотида 2 нафар ходим иштирок этиб, сертификатга эга бўлди.

Марказий банк томонидан 11-13 апрель кунлари ташкиллаштирилган “Россия банкида замонавий ички аудит” мавзусида ўқув дастурига асосан ўқув-амалий семинарида 4 нафар ходим иштирок этди.

Корхона Бош директори томонидан «Давлат белгиси» ДУКнинг расмий вебсайтига «Коррупцияга қарши биргаликда курашамиз» мавзусида ҳамда “Давлат белгиси” ДУКда ISO 37001:2016 халқаро стандарти жорий этилди” номли мақолалари жойлаштирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва “Давлат белгиси” давлат унитар корхонасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари” мавзусида 2023 йил 22 июнь куни семинар тренинг ўтказилиб, тайёрланган слайд материаллари корхона вебсайтидаги алоҳида саҳифага ҳамда корхонанинг электрон кутубхонасига жойлаштирилди.

Бундан ташқари, корхона расмий вебсайтида коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақолалар бериб борилмоқда.

## **VI. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарлар.**

Ҳисобот даврида ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисида мавжуд алоқа каналлари орқали хабарлар келиб тушмаган.

## **VII. Мониторинг ва назорат**

2023 йилнинг 20 январидан 28 февралга қадар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган 31.08.2022 йилда тасдиқланган Услугабериётга асосан корхонада коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ўтказилди.

Натижасига кўра, хавф-хатар харитаси тузилди ва хавф-хатарларни минималлаштириш юзасидан коррупцияга қарши кураш Дастури ишлаб чиқилиб, 01.03.2023 йилда корхона бош директори томонидан тасдиқланди ҳамда хавф-хатар даражаси юқори бўлган лавозимлар рўйхати шакллантирилди.

Шунингдек, 2023 йилнинг 9 февралдан 7 мартга қадар корхонада манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аҳволи ходимлардан йиллик декларация тўлдириш орқали ўрганилиб, таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари раҳбариятга маълум қилинди ва реестрга киритилди ҳамда персонал билан ишлаш бошқармасига корхона бош директорининг кўрсатмасига асосан кадрлар сиёсатини қўллашда ушбу ҳолатлар инобатга олиниши сўралди. Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, корхона бош директори томонидан 05.05.2023 йилда тасдиқланди.

Корхона Бош директорининг 31.07.2023 йилдаги 123ДБ-сонли буйруғига асосан коррупциявий хавф-хатари эҳтимоли паст даражадан юқори бўлган лавозимларда 2023 йилнинг 1 августидан 4 августига қадар мажмуавий текширув ўтказиш орқали мониторинг қилинди.

Корхона ходимларининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ҳамда Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички меъёрий ҳужжатлари талаблари бўйича билим ва кўникмаларини баҳолаш мақсадида жорий йилнинг 1-3 август кунлари онлайн тест синовлари ўтказилди.

Корхонада коррупцияга қарши курашиш борасида ҳамда корхона фаолиятини соҳалари бўйича амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлиги бўйича ходимлар фикрини ўрганиш юзасидан жорий йилнинг 12-20 сентябрь кунлари аноним сўровнома ўтказилди.

Аноним сўровнома натижалари умумлаштирилиб, корхона раҳбариятига хизмат хати киритилди.

Бундан ташқари, Корхона бош директорининг 20.10.2022 йилдаги 245ДБ-сонли буйруғи асосида ҳар чоракда коррупцияга қарши курашиш бошқарув тизими жараёнлари ва уларнинг натижадорлик мезонларини ўрганилиб буйруқда белгиланган натижаларига эришиб борилишини таъминлаш назорат қилиб борилмоқда.

### **VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари.**

Корхонада 2023 йилнинг 9 ойида ўтказилган мониторинг ва назорат тадбирлари давомида коррупциявий ҳаракат деб ҳисобланган ҳолатлар аниқланмади.

### **IX. Хулосалар.**

“Давлат белгиси” ДУКда коррупцияга қарши курашиш борасида 2023 йилнинг 9 ойида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланди ва амалиётга тадбиқ этиш борасида ишлар амалга оширилди.

Корхонанинг 28 нафар ходимлари “Smart Managment international training company” томонидан ISO 37001:2016 халқаро стандарт талаблари бўйича тренингларда қатнашди ва сертификатга эга бўлди.

“CERT International” МЧЖ менежмент тизимини сертификациялаш бўйича органи томонидан сертификациялаш аудити муваффақиятли ўтказилди ҳамда аудит натижасига кўра, корхона ISO 37001:2016 халқаро стандарт талабларини қўллашга мувофиқлиги тасдиқланди.

Корхонага ишчи-ходимларларни ишга қабул қилишда шаффофликни таъминлаш мақсадида, корхонанинг расмий вебсайтида бўш иш ўринлар саҳифаси очилди ва унда корхонада мавжуд бўш иш ўринлари жойлаштирилиб келинмоқда.

Бундан ташқари, Меҳнат вазирлигининг “ish.mehnat.uz” сайтига ҳам бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар киритилиб борилмоқда.

Коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш юзасидан ўқув-семинар машғулотлари тасдиқланган режалар асосида ўтказилиб борилмоқда.

Корхонанинг вебсайтида “Коррупцияга қарши курашиш” саҳифаси яратилиб, коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва маълумотлар киритилиб борилмоқда.

Корхона таркибий тармоқлар фаолиятидаги хавф-хатарлар ўрганилиб, 2023 йил учун коррупциявий хавф-хатарлар 3 даражага ажратилиб баҳоланди.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш бўйича корхона раҳбарияти ва барча ходимлари томонидан Йиллик декларация тўлдирилди, таҳлил қилинди ва реестрга киритилди ҳамда натижаси корхона Бош директориға маълум қилинди.

Олиб борилган ишлар натижасида, корхонада 2023 йил давомида коррупция билан боғлиқ ҳолатлар қайд этилмади.

**Х. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси.**

Корхонада коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар:

- корхона ходимларини коррупцияга оид қонунчилик ва шу соҳага тегишли ички норматив-ҳужжатлар ҳақида хабардорлигини ошириш бўйича мунтазам ўқув машғулотлари ўтказиб бориш;

- корхона ходимларини коррупцияга оид қонунчилик ва шу соҳага тегишли ички норматив-ҳужжатлар бўйича олган билимларини ҳар чоракда 1 мартаба синовдан ўтказиш.

**Ички аудит хизмати  
комплаенс-назорат.**